

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

САИДОВ ЎТКИРЖОН МАЛЛАЕВИЧ

**СУЮҚ ЭРИТМАЛАРНИНГ ФИЛЬТРАШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УЧУН МОДЕЛЛАР ВА ҲИСОБЛАШ
АЛГОРИТМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 –Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Саидов Ўткиржон Маллаевич

Суяк эритмаларнинг фильтрлаш технологик жараёнини тадқиқ қилиш учун моделлар ва ҳисоблаш алгоритмларини такомиллаштириш. 3

Саидов Уткиржон Маллаевич

Усовершенствование моделей и вычислительных алгоритмов для исследования технологического процесса фильтрования жидких растворов. 23

Saidov Utkirjon Mallaevich

Improvement of models and computational algorithms for researching the technological process of liquid filtration solutions. 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

САИДОВ ЎТКИРЖОН МАЛЛАЕВИЧ

**СУЮҚ ЭРИТМАЛАРНИНГ ФИЛЬТРАШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УЧУН МОДЕЛЛАР ВА ҲИСОБЛАШ
АЛГОРИТМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 –Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T1576 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.aigi.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Равшанов Нормаммад

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джуманов Жамолжон Худойкулович

техника фанлари доктори, профессор

Болтибаев Шухратжон Комилжанович

техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Термиз Давлат университети

Диссертация ҳимояси Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.13/30.12.2021.T.142.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўз-2 мавзеси, 17А уй. Тел.: (99871) 263-41-98, e-mail: info@aigi.uz)

Диссертация билан Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўз-2 мавзеси, 17А уй. Тел.: (99871) 263-41-98).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.С.Маматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, к.и.х.

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлар доктори, доцент

Ф.М. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш объектларида (кимё саноати заводлари ва унга алоқадор тармоқларда) кенг қўлланиладиган суюқ аралашмалар ва ионланган эритмаларни филтрлаш ва тозалашнинг ностационар технологик жараёнларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суюқликларни аралашмалар, технологик чиқиндилар ва оғир металллардан филтрлашнинг ностационар технологик жараёнлари – ёғ-мой, фармацевтика, машинасозлик, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг асосий босқичларидан биридир. Ушбу технологик жараённи бошқаришни оқилона ташкил этилиши эксплуатацион харажатларни сезиларли даражада камайтиради ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилайдди. Филтр агрегатларининг ишга яроқлилиги филтрловчи материалларнинг физик-механик ва кимёвий хусусиятлари, шунингдек, қаттиқ фаза заррачалари, гель заррачалар, ионлар ва бошқа тегишли элементларни эритмаларнинг суюқ фазасидан ажратиб олишни амалга оширадиган филтрларнинг иш режимлари билан белгиланади.

Жаҳонда суюқ ва ионланган эритмаларни турли хил параметрларнинг солиштирма оғирликлари ва натижаларга таъсирини ҳисобга олган ҳолда филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларини таҳлил қилиш ва башоратлаш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш соҳасида мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, кўриб чиқиладиган ностационар технологик жараёнларни башоратлаш ва бошқариш масалаларини муваффақиятли ҳал қилиш ҳар доим ҳам экспериментал усуллар ёрдамида амалга оширилмайди. Шунинг учун, суюқ эритмаларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларини келажакдаги тадқиқотининг энг истиқболли йўли математик моделлаштириш ҳамда ҳисоблаш тажрибасининг имкониятлари ва воситаларидан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Мазкур илмий йўналиш назарий ва экспериментал нуқтаи назардан ҳали ҳам етарлича қайта ишланмаган. Шу муносабат билан, жаҳон илмий ва профессионал ҳамжамиятида суюқ эритмаларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларини бошқариш бўйича таҳлил қилиш, башоратлаш ва қарорларни қўллаб-қувватлаш муаммоларини ҳал қилиш учун моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситаларни ривожлантириш масалалари жуда ҳам долзарб ҳисобланади.

Республикада сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш, жумладан, замонавий ахборот

технологияларини жорий этиш, жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан: «... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ... модернизация ва ... қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларини илғор ривожлантиришга қаратилган ...» вазифалари берилган. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши суюқ ионланган эритмаларни филтрлашнинг технологик жараёнларини таҳлилқилиш ва башоратлаш учун математик ва дастурий таъминотни янада ривожлантириш зарурлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 19-февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон Фармони, 2019 йил 23 октябрдаги «2020-2030-йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда суюқ аралашмалар ва ионланган эритмаларни филтрлаш ва тозалаш учун ностационар технологик жараёнлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва етарли даражада назарий ва амалий натижалар олинган. Жумладан, хорижий олимлардан J. Wang, J.Zhang, Yu.Zhihui, C. Andre, G. Vitaly, A. Safonyk, A. Bomba, F.Boyer, C.Burkert, I.Wald, C.M.Silva, A. Sibin, A. Santos, Q. Rousseau, I.M. Petre, C.D. Nguyen, V.Moshynskiy, P.J. Monteiro, M. Xiao, S.Lucas, P.Klizas, M.J. Huntul, R.P. Hunter, R.Giot, F. Lemont, R.A. Fisher, Ю.М.Шехтман, М.Г.Токмачев, Н.А.Тихинов, И. Голубев, Ю.Лебедева, Ю.Карпова ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда Ф.Б.Абуталиев, Н.Р.Юсупбеков, Н.У.Ризаев, Н.Равшанов, И.Қ.Хўжаев, Б.Хўжаёров, Ж.Махмудов, Д.Ф.Файзуллаев, Х.Х.Атаулаев, О.У.Умаров, М.Я.Рахимов, О.Ким, З.М.Маликов ва Б.Ю.Палвановлар аралашмаларни тозалаш технологик жараёнларини математик

моделлаштириш ва сонли ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшганлар.

Юқорида келтирилган ҳамда кўплаб бошқа хорижий ва мамлакатимиз олимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли бугунги кунга қадар назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим натижалар олинган бўлиб, озик-овқат, ёғ-мой, фармацевтика ва агросаноат маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида кечадиган суюқ ва ионланган эритмаларни филтрлаш ностационар технологик жараёнларини ҳар томонлама ўрганиш имконини беради. Шу билан бирга, филтрловчи материалнинг ғовакли муҳитда кольматация ва суффозияси каби муҳим омилларни ҳисобга оладиган математик моделлар ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришнинг кўплаб масалалари ҳали етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтиилмий-тадқиқот ишлари режасининг ВА-ОТ-А3-21 «Марказга интилувчан статик классификаторни яратиш ва ишлаб чиқиш» (2017-2018); БВ-Атех-2018-9 «Атмосфера ва сув ресурсларини техноген омиллардан ҳимоялаш масалаларини ечишнинг моделлари, тақсимланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Суюқ ионли эритмаларни филтрлаш технологик жараёнларини тадқиқ қилиш учун математик моделларни яратиш, такомиллаштириш, самарали сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

суюқ ва ионланган эритмаларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларини ўрганиш учун математик моделлаштириш усулларини ривожлантириш билан боғлиқ илмий ишларни таҳлил қилиш;

суюқ ва ионланган эритмаларни механик ва ионли филтрлаш технологик жараёнини тадқиқ қилиш учун математик моделнитактомиллаштириш;

кольматация ва суффозия жараёнларини эътиборга олган ҳолда ғовак муҳитда суспензияларни филтрлаш ностационар технологик жараёнларининг асосий кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва башоратлаш учун математик модель ишлаб чиқиш;

суюқ эритмаларни филтрлашда филтр устида чўкиндилар қатламини ҳосил бўлиш жараёнининг математик моделини такомиллаштириш;

кольматация, суффозия ҳамда суюқ ва ионланган эритмаларнинг чўкинди қатламини ҳосил бўлишининиобатга олган ҳолда ғовак муҳитда суспензияларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларини таҳлил қилиш ва башоратлаш масалаларини ечиш учун самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ғовак муҳитларда кольматация ва суффозия ҳамда чўкинди қатламини

ҳосил бўлишинини нобатга олган ҳолда суюқ ва ионланган эритмаларнинг механик ва ионли филтрлаш масалаларини ечиш учун дастурий воситаларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти суюқ ва ионланган эритмаларни филтрлаш бўйича мураккаб ностационар технологик жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети суюқ ва ионланган эритмаларни филтрлашнинг технологик жараёнларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва башоратлаш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида математик физика усуллари, математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибаси, дифференциал тенгламаларни ечишнинг сонли усуллари ҳамда объектга йўналтирилган дастурлаш технологиялари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суюқ эритмаларни ғовак муҳит орқали механик ва ионалмашинув филтрлаш технологик жараёнининг математик модели такомиллаштирилган;

кольматация ва суффозия жараёнлари эътиборга олинган ҳолда ғовак муҳитда паст концентрланган суспензияларни филтрлашнинг математик модели ишлаб чиқилган;

суюқ эритмаларни филтрлашда филтр устида чўкиндилар қатлами ҳосил бўлиши ностационар технологик жараёни учун математик модель такомиллаштирилган;

кольматация, суффозия ва чўкинди қатламни ҳосил бўлишини эътиборга олинган ҳолда суюқ ва ионланган эритмаларни механик ва ионли филтрлаш масалаларини ечиш учун самарали ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суспензиялар ва ионланган эритмаларни филтрлаш ностационар технологик жараёнини сонли тадқиқ қилиш учун математик моделлар ва ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

математик аппарат ва дастурий воситаларни ёрдамида суюқ ва ионланган эритмаларни қайта ишлаш технологияларида қўлланиладиган филтрлаш агрегатларининг асосий кўрсаткичлари ва параметрларини аниқланган;

эритмаларни филтрлаш усуллари аниқлаш ва филтрлаш агрегатларининг оптимал ишлаш режимини танлаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аралашманинг ҳаракат ва концентрацияси ўзгариши тенгламаси ҳамда унинг чегаравий шартлари масса, микдор ва импульснинг сақланиш қонунлари асосида қатъий шакллантирилганлиги, сонли ҳисоблаш натижаларини лаборатория тажрибаларидан олинган маълумотлар билан солиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суюқ ва ионланган эритмаларни филтрлашда ностационар технологик жараёнларининг ишлашини таҳлил қилиш ҳамда башоратлаш учун математик моделлаштириш ва ҳисоблаш

эксперименти методологиясини ривжлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти суюқ ионли аралашмаларни филтрлаш ва тозалаш усулларни такомиллаштириш, шунингдек ушбу технологик жараёнларда ишлатиладиган агрегатларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суспензиялар ва ионли эритмаларни филтрлашнинг технологик жараёнини таҳлил қилиш ва башорат қилиш, шунингдек филтрлаш агрегатларининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалардан фойдаланиш асосида:

суюқ эритмаларни ғовак муҳит орқали механик ва ионалмашинув филтрлаш технологик жараёнининг математик модели «INTEGRA DD» МЧЖга доривор капсулаларни ишлаб чиқишда суюқ эритмаларни тозалаш бўйича технологик жараёнларни тадқиқ қилиш бўйича математик ва дастурий таъминот жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 24 февралдаги 33-8/1382-сон маълумотномаси). Натижада тозалаш иншоотлари филтрларининг ишлаш муддатини 8-12% га ошириш ва адсорбция харажати 5-8% га камайтириш имконини берган;

суюқ эритмаларни ғовак муҳит орқали механик ва ионалмашинув филтрлаш технологик жараёнининг математик модели Самарқанд вилояти «Сув таъминот» МЧЖда очик сув ҳавзаларида сувни тозалаш филтрлаш қурилмаларининг асосий параметрларидаги ўзгаришларни аниқлаш ва назорат қилиш учун математик ва дастурий таъминот жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 24 февралдаги 33-8/1382-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида филтрларнинг хизмат қилиш муддатини 7-10% га ошириш, шунингдек, муҳандислик ҳисоб-китоблари учун вақт ва меҳнат харажатларини 6-10% га камайтиришга хизмат қилган;

суюқ эритмаларни ғовак муҳит орқали механик ва ионалмашинув филтрлаш технологик жараёнининг математик модели «Каттакўрғон ёғ-мой» АЖда пахта ёғини қайта ишлашнинг технологик жараёнларини тадқиқ қилиш бўйича математик дастурий таъминот ва дастурий таъминот жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 24 февралдаги 33-8/1382-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида пахта ёғини тозалаш учун филтрларнинг ишлаш муддатини 7-10% га ошириш ва адсорбция харажатларни 2-4 %га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация тадқиқотининг натижалари 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та

мақола, жумладан, 9 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида чоп этилган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва заррурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари белгилаб олинган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва

Диссертациянинг «**Суюқ ва ионланган эритмаларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларини математик моделлаштириш муаммолари ҳолатининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобда сўнги ўн йилликларда суюқ ва ионланган эритмаларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларни ўрганиш бўйича нашр қилинган илмий ишлар таҳлили келтирилган.

Хусусан, турли хил ички ва ташқи омиллар таъсирида ғовакли муҳит орқали кўпкомпонентли суспензиялар ва ионланган эритмаларни механик ва ионли филтрлаш жараёнларини моделлаштиришнинг замонавий усуллари муҳокама қилинади. Суюқ ва ионланган эритмаларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларининг умумий хусусиятлари ва турли соҳаларда ишлатиладиган филтрлаш агрегатларининг ишлаш тамойиллари кўриб чиқилади. Таъкидланишича, аралашмалар таркибий қисмларининг физик-механик хусусиятларига, шунингдек қайта ишланган хом ашё ва суюқ эритмалар ҳажмларига қараб турли хил филтрлаш усуллари ва қурилмалари қўлланилади. Кўплаб табиий экспериментлар катта инвестицияларни талаб қилиши ва ҳар доим ҳам амалга оширилмаслиги сабабли, математик моделлаштириш усуллари ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишнинг мақсадга мувофиқдир.

Илмий ишларни таҳлил қилиш асосида суюқ ва ионланган эритмаларни статик бўлмаган филтрлаш жараёнини таҳлил қилиш ва башоратлаш муаммоларини ҳал қилиш учун ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларининг янги математик моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, шунингдек қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун филтрлаш агрегатларининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш зарурати уларнинг фаолиятининг мақбул режимларини танлаш билан белгиланади.

Диссертациянинг «**Суспензиялар ва ионланган эритмаларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи

бобида суюқликларни ғовак муҳит орқали ион алмашинадиган филтрлаш жараёни ўрганилган. Ностационар технологик жараёнларнинг моделларини ишлаб чиқишда кўпинча филтрлаш жараёнида гел зарралари ғовакликларда филтр қисмининг бутун қалинлиги бўйлаб бир текис жойлашади деган тахмин қўлланилади. Бироқ, назарий тадқиқотлар ва экспериментал маълумотлар шуни кўрсатадики, филтрнинг турли чуқурликларида гел зарраларининг колматация даражаси бир хил эмас. Ион алмашилиш жараёни ионитнинг бутун қалинлиги бўйлаб содир бўлганлиги сабабли, ион алмашилиш филтрининг турли чуқурликларида колматация даражасини ҳисобга олган ҳолда муаммоларни ҳал қилиш алоҳида қизиқиш уйғотади.

Суюқликни ғовакли муҳит орқали филтрлаш жараёнининг математик моделларини олиш учун икки фазали муҳит тенгламаларидан фойдаланилади. Олинган математик модель хусусий ҳосилалари тенгламалар тизимлари билан ўлчовсиз шаклда тавсифланади:

$$\frac{\partial W}{\partial \tau} + ReW \frac{\partial W}{\partial x} - \frac{W}{(1-\theta_3)} = \frac{F}{H_0^2} \left(-\frac{\partial P}{\partial x} + \frac{\partial^2 W}{\partial x^2} - \frac{H_0 F}{Hk_0(1-\theta_3)} \frac{W}{(1-\delta)^2} \right); \quad (1)$$

$$\frac{\partial \theta}{\partial \tau} + Re \frac{\partial \theta W}{\partial x} = 0; \quad (2)$$

$$\frac{\partial \theta_3}{\partial \tau} = \frac{k_1(k_2 + \theta_3)}{k_3 + k_4 \delta} \frac{\partial \delta}{\partial \tau}; \quad (3)$$

$$\frac{\partial \delta}{\partial \tau} = \lambda_1(\theta - \gamma \delta); \quad (4)$$

$$\frac{\partial nm}{\partial \tau} + Re \frac{\partial nW}{\partial x} + \frac{\partial N}{\partial \tau} = a_0 \frac{\partial^2 n}{\partial x^2}; \quad (5)$$

$$\frac{\partial N}{\partial \tau} = \beta \alpha_\tau \left(n - \frac{\alpha_1 N}{\alpha_2 - bN} \right); \quad (6)$$

$$\begin{cases} W = 1, \theta_3 = 0, \theta = e^{-b_0 x}, \delta = 0, (\tau = 0); \\ W = 1, \theta = 1, (x = 0); \\ \frac{\partial W}{\partial x} = \varphi, (x = 1); \end{cases} \quad (7)$$

$$\begin{cases} n(x, 0) = 0, N(x, 0) = 1; \\ n(x, \tau) = 0, n(1, \tau) = \frac{n_0}{N_0} = n^0. \end{cases} \quad (8)$$

Бу ерда ва матнда қуйидаги белгилашлар қабул қилинади: V – филтратнинг ҳажми; W – филтрлаш тезлиги; θ – ҳаракатдаги аралашма суспензияларининг ҳажмли концентрацияси; θ_3 – филтр бўлимлари орқали оқиб ўтадиган

заррачалар концентрацияси; δ – фильтр ғовакликларига чўккан моддаларнинг концентрацияси; α – муаллақ ҳолда турган заррачалар концентрацияси; F – фильтр майдони; ρ ва μ – суспензиянинг зичлиги ва ёпишқоқлиги; P – агрегат колонкасидаги босим; P_0 – колонкадаги бошланғич босим; P_c – чўкинди қатламидаги босим; H – фильтрлаш колонкасининг баландлиги; H_0 – фильтрлаш колонкасининг қалинлиги; h – фильтр юзасида ҳосил бўладиган чўкинди қатламининг қалинлиги; m, k – ионитнинг ғоваклилик ва ўтказувчанлик коэффициентлари; m_1 – бошланғич ғоваклилик; m_0 – фильтрнинг ғовакликларида чўккан массанинг ғоваклиги; k_0 – иш бошланишидан олдин фильтрнинг ўтказувчанлик коэффициенти; n ва N – сорбсия устунининг узунлиги бирлигида ечимда ионларни алмашишнинг дисквалтураси концентрацияси; N_0 – сорбентни сўрилишнинг умумий ҳажми; n_1 ва n_2 – n ва N консентрациялар билан мувозанатга мос келадиган сорбсия устунининг бирлик узунлигига эритмада алмашинадиган ионларнинг мувозанатиз консентрацияси; n_0 – колоннага киритилган ионнинг эритмадаги бошланғич консентрацияси; n' – N консентрацияси билан мувозанатда бўлган эритмадаги ионларнинг консентрацияси; β – алмашинувчи ионларнинг эффектив константаси; χ – бўйлама диффузия коэффициенти; χ_b – бародиффузия коэффициенти; a и b – доимий изотерма; λ – кинетик коэффициент; γ – дисперсиянинг коэффициенти; m_0, m_1 – дастлабки ғоваклиги ва жойлаштирилган массанинг ғоваклиги; ω_1, ω_2 – колматация ва соффузия интенсивлигини тавсифловчи коэффициентлар; $|\nabla p|$ – босим градиент модули; τ – вақт; $Re = \frac{\rho F W_0}{\mu H_0}$ – Рейнольдс сони; $Eu = \frac{\rho W^2}{P_0 m}$ – Эйлер сони; $k_1 = m_1 - m_0$;

$$k_2 = \frac{1 - m_0}{\theta}; \quad k_3 = \frac{m_1}{\theta}; \quad k_4 = -k_1; \quad a_1 = \frac{a}{N_0}; \quad a_2 = \frac{1}{N_0}; \quad \varphi = \varphi_1 \frac{H_0}{W_0}; \quad b_0 = \lambda_1 m_1 H_0 \frac{1 - m_0}{W_0};$$

$$a_0 = \frac{D_L F \rho}{\mu H_0}; I_0 - \text{нолинчи тартибли Бессел функцияси}; \quad B = \frac{m_0(1 - m)}{W}; \quad G - \text{чўкма}$$

сикувчанлик модули; $G = -(1 + e) \frac{\partial P_4}{\partial e} = (1 + e) \frac{\partial P}{\partial e}$;

$P_4 = P_1 - P_2$; P_1, P_2 – чўкма қатламидаги ва фильтр тўсиғи орқасидаги ташқи босим кучининг қийматлари; u – чўкманинг ташқи акс этиш коэффициенти.

Олинган (1)-(8) моделдан фойдаланиб, суюқликларнинг ғовак мухит орқали ион алмашинадиган фильтрланишини ўрганиш, ностационар технологик жараёнларнинг асосий параметрлари ва уларнинг ўзгариш диапазонларини аниқлаш учун ҳисоблаш тизимида сонли ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин.

Ғовак мухитларда суюқликларни фильтрлашнинг ностационар технологик жараёнларини ўрганишда яна бир муҳим жиҳат-колматация, суффузия ва бошқа шу билан боғлиқ жараёнларни кўриб чиқишдир. Кўпгина муаллифларнинг тадқиқотларида суюқликларни ғовакли мухитда фильтрлаш муаммолари фильтр материалининг тешикларида заррачалар бирикиши

интенсивлиги, ион алмашинуви жараёни ва тўсатдан босим пасайишини ҳисобга олмасдан филтрлаш тезлигининг доимий қийматида ҳал қилинади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, бу омиллар ўрганилаётган жараёнга ғовак муҳитининг филтрлаш хоссаларига ва филтрларнинг хизмат муддатига бевосита таъсир этиб сезиларли таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ғовакли муҳитда суяқ филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларини энг аниқ тавсифлаш учун жараённинг гидродинамикаси ва кинетикаси қонунларига асосланган математик модел ишлаб чиқилди, бу филтрация тезлигининг ўзгариши билан ифодаланган қолматация ва соффузия ғовак муҳит ўтказувчанлигининг ўзгариши, шунингдек филтр сиртидаги чўкинди қатламнинг ҳодисаларини ҳисобга олади:

$$\left. \begin{aligned} \frac{\partial W}{\partial \tau} + W \frac{\partial W}{\partial x} &= -\frac{1}{\rho} \frac{\partial P}{\partial x} + \frac{\mu}{\rho} \frac{\partial^2 W}{\partial x^2} - \frac{\mu H_0 W}{\rho H k_0 (1-\delta)^2}; \\ \frac{\partial m\theta}{\partial \tau} + \frac{\partial W\theta}{\partial x} + \frac{\partial m\alpha}{\partial \tau} + (1-m_0) \frac{\partial m\delta}{\partial \tau} &= 0; \\ \frac{\partial \delta}{\partial \tau} &= \lambda(\theta - \gamma\delta), \quad \theta = \frac{\alpha}{1-\delta}; \\ \frac{\partial m}{\partial \tau} &= \omega_1(m_0 - m)|\nabla p| - \omega_2 m\theta \end{aligned} \right\} \quad (9)$$

$$\left. \begin{aligned} \frac{\partial mn}{\partial \tau} + \frac{\partial Wn}{\partial x} + \frac{\partial N}{\partial \tau} &= \frac{\partial}{\partial x} \left(\chi \frac{\partial n}{\partial x} \right) + \frac{\chi_b}{\rho} \frac{\partial P}{\partial x}; \\ \frac{\partial N}{\partial \tau} &= \beta(n - n'), \quad N = \frac{n'}{a + bn'}; \end{aligned} \right\} \quad (10)$$


бошланғич ва чегаравий шартлар билан:

$$\left. \begin{aligned} t=0 \text{ бўлганда, } W &= 1, \quad \theta = e^{-\frac{\lambda m H_0 (1-m_0)x}{W_0}} = \varphi(x), \quad \delta = 0, \quad m = m_0; \\ x=0 \text{ бўлганда, } \frac{\partial W}{\partial x} &= \frac{H_0^3}{H k_0} \left[P_0 - \frac{W}{(1-\delta)^2} \right], \quad \theta = 1; \\ x=1 \text{ бўлганда, } \frac{\partial W}{\partial x} &= 0, \quad \frac{\partial \theta}{\partial x} = \frac{m H_0 \lambda (1-m_0)}{W_0} (\gamma_0 \delta - \theta). \end{aligned} \right\} \quad (11)$$

Ночизикли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системалари билан ифодаланган (9)-(11) масаланинг ифодасидан кўриниб турибдики, унинг аналитик ечимини олиш деярли мумкин эмас. Шунинг учун муаммонинг сонли интеграцияси учун чекли айирмали усулига асосланган рақамли алгоритм ишлаб чиқилди. Аппроксимациялаш тартибини ошириш учун $O(h^2)$ аниқликка эга бўлган вектор- айирмали схемасидан фойдаланилди.

Бобда ишлаб чиқилган математик аппаратнинг етарлилигини текшириш учун ғовакли муҳитда суспензияларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнлари параметрларини ва уларнинг ўзгариш диапазонларини аниқлаш учун компьютер тизимларида бир қатор ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди. Олинган сонли ҳисоб-китоблар натижалари Дж. Бейлиснинг

экспериментал маълумотлари билан таққосланди, улар билан тафовут 5% дан ошмади.



1-расм. Вақт бўйича филтрлаш тезлигининг ўзгаришини таққослаш (-ҳисобланган маълумотлар; * тажриба маълумотлари).

Шунингдек, эритмани ўзгармас босим қийматида филтрлаш вақтида гел заррачаларининг асосий қисми филтрнинг юқори қатламига жойлашиб, чўкма қатлам ҳосил бўлишига сабаб бўлиши аниқланган.

Ностационар технологик филтрлаш жараёнларининг дастлабки босқичларида филтр устунига суюқлик етказиб бериш тезлигининг ошиши филтр ишлашининг ошишига олиб келади, аммо кейинчалик колматация жараёни туфайли филтр блокининг коммутация вақти камаяди, бу еса филтрдаги гидравлик босимнинг ошишига олиб келади.

Бундан ташқари, бошқа муаллифларнинг кўплаб тадқиқотларидан фарқли ўлароқ, кўриб чиқилаётган жараёнда бародиффузия коэффицентининг роли ва аҳамияти аниқланди. Бародиффузия коэффиценти қийматининг ошиши билан эритма ва филтр тўсиғи ўртасида ион алмашинуви тезлиги сезиларли даражада ўзгаради. Бу, ўз навбатида, филтрнинг ишлаш вақтини қисқартиришга олиб келади.

Диссертациянинг «Паст концентрацияли суспензияларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнини сонли татқиқ қилиш» номли учинчи бобида чўкинди қатлам ҳосил бўлишини ва муаммони ҳал қилишнинг сонли алгоритмини ҳисобга олган ҳолда суспензияларни филтрлашнинг ностационар технологик жараёнларининг математик моделлари ишлаб чиқилган.

Суюқ эритмаларни тозалаш технологиясида муҳим рол ўйнайдиган асосий кўрсаткичлардан бири бу вақт ўтиши билан ўзгариб турадиган филтр бўлими орқали суюқликнинг ўтиш тезлиги. Шунинг учун ностационар технологик жараёнларни етарли даражада тавсифловчи математик моделни ишлаб чиқиш учун эритманиннг филтрлаш тезлигидаги ўзгаришларни ўз вақтида ҳам, филтр қалинлигида ҳам ҳисобга олиш керак. Ностационар технологик жараёнларни етарли даражада тавсифлаш учун филтр тўсиғи юзасида чўкинди қатлам ҳосил бўлиши, филтр ва чўкинди қатламнинг ғоваклилиги ўзгариши, бирлик устунда ва чўкинди қатлам ичида сирт босимининг ошиши каби омиллар ҳам ҳисобга олинган. Шундай қилиб, паст концентрацияли суспензияларни ўлчовсиз шаклда филтрлашнинг ностационар технологик жараёнининг математик моделини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial W}{\partial \tau} + \operatorname{Re} W \frac{\partial W}{\partial x} - \frac{W}{1-\theta_3} \frac{d\theta_3}{d\tau} = -Eu \cdot \operatorname{Re} \frac{\partial P}{\partial x} + \frac{HK_0}{(H_0^2 + h^2)} \frac{\partial^2 W}{\partial x^2} - \frac{W}{(1-\theta_3)(1-\delta)^2}; \quad (12)$$

$$\frac{\partial P}{\partial x} = \frac{1}{Eu} \left[\frac{m}{\operatorname{Re}(1-\delta)^2} - \frac{d\theta_3}{d\tau} \right]; \quad (13)$$

$$\frac{\partial \theta}{\partial \tau} = -\frac{\partial \theta W}{\partial x} - \frac{\partial \alpha}{\partial \tau} - (1-m_0) \frac{\partial \delta}{\partial \tau} + \frac{\mu_0 \alpha_\tau}{(H_0^2 + h^2)} \frac{\partial^2 \theta}{\partial x^2}; \quad (14)$$

$$\frac{\partial \delta}{\partial \tau} = \lambda(\theta - \gamma \delta); \quad (15)$$

$$\theta - \theta_3 = \frac{\alpha}{1-\delta}; \quad (16)$$

$$\frac{\partial \theta_3}{\partial \tau} = \frac{1-\bar{\theta}}{2-\delta} \frac{\partial \bar{\theta}}{\partial \tau} + \frac{1}{2-\delta} = \left[(1-\bar{\theta}) \frac{\partial \bar{\delta}}{\partial \tau} - \frac{\theta_1 W_0}{m(H_0+h)(1-\delta_1)} \right] +$$

$$+\theta_3 \left[\frac{\partial \bar{\delta}}{\partial \tau} + \frac{W_0}{m(H_0+h)(1-\theta_1)} \right] \frac{1}{2-\delta}; \quad (17)$$

$$\frac{\partial V}{\partial \tau} = FW; \quad (18)$$

$$\frac{\partial P_c}{\partial \tau} = \frac{\partial P_1}{\partial \tau} + G \frac{\partial}{\partial x} \left[\frac{1}{\mu r} \frac{\partial P_c}{\partial x} \right]; \quad (19)$$

$$\frac{1}{u} \frac{\partial h}{\partial \tau} = \frac{1}{\mu r} \frac{\partial P_c}{\partial x} \Big|_{x=h(\tau)}; \quad (20)$$

$$\frac{\partial n}{\partial \tau} = -\frac{W_0 \alpha_\tau}{H_0 m} \frac{\partial n}{\partial x} - \frac{N_0}{nm} + \frac{\partial N}{\partial \tau} + \frac{\chi \alpha_\tau}{H^2 m} \frac{\partial^2 n}{\partial x^2} + \frac{\alpha_\tau \chi_b}{PH_0} \frac{\partial P}{\partial x}; \quad (21)$$

$$\frac{\partial N}{\partial \tau} = \frac{\alpha_\tau \beta}{1} \left[\frac{n_0 n}{N_0} - \frac{a}{a-bNN_0} \right]; \quad (22)$$

$$P_c[h(\tau), \tau] = P_1(\tau), \quad \tau > 0 \quad (23)$$

бошланғич ва чегара шартлари билан:

$$t = 0 \text{ бўлганда } \begin{cases} \theta = e^{-\lambda H_0 B x}, & \delta = 0, \\ W = 1, \theta_3 = 0, h = 0, \\ n = 1, N = 0, P = \varphi_1, P_c = \varphi_2 \end{cases} \quad (24)$$

$$x = 0 \text{ бўлганда } \begin{cases} \theta = 1, & P = 1, & n = \frac{1}{n_0}, \\ W = 1, P_c(0, \tau) = P_2(\tau) \end{cases} \quad (25)$$

$$x = 1 \text{ бўлганда } \begin{cases} \theta(x, \tau) = \theta_0 e^{-\sigma B H_0} \left[e^{\sigma B H} I_0(2\sqrt{\sigma \gamma H_0 \tau} + \frac{1}{\sigma B H_0 I_0}) \right] (2\sqrt{\tau}) d\tau, \\ \frac{\partial W}{\partial x} = \frac{a_0 H_0}{W_0}, \frac{\partial n}{\partial x} = 0, P = \phi_3, P_c = \phi_4 \end{cases} \quad (26)$$

$$m = m_1 + \delta(m_0 - m_1).$$

Агар филтер қатламининг ғоваклиги m ўзгарувчан бўлса, яъни $m=m(x, \tau)$, кейин қўйишимиз мумкин: $\theta_3 = \delta x = 1$ бўлганда ва ундан кейин $m = m_1 + \delta(m_0 - m_1)$.

(12)-(26) масала баёнидан кўриниб турибдики, унинг аналитик ечимини топиш қийин. Сонли ечим учун биз аниқликги юқори тартибли Самарский-Фрязинов вектор схемасидан фойдаланамиз, сўнгра ҳосил бўлган тенгламалар тизимларини чекли айирма схемаси билан аппроксимациялаймиз ва (12)-(26) кўринишнинг вектор- айирма аналогини оламиз:

$$\begin{aligned} & \frac{W_{1,i} - \bar{W}_{1,i}}{\Delta \tau} + W_{1,i}^{(s-1)} \frac{W_{2,i} - W_{2,i-1}}{\Delta h} - \frac{W_i}{1 - \theta_{3,1}} \frac{\theta_{3,1} - \bar{\theta}_{3,1}}{\Delta \tau} = \\ & -Eu \frac{\partial P}{\partial x} + \frac{1}{\text{Re}} \frac{W_{1,i+1} - 2W_{1,i} + W_{1,i-1}}{\Delta h^2} - \frac{1}{\text{Re}_1} \frac{W_{1,i}}{(1 - \theta_{3,1})(1 - \delta_{1,i})^2}; \end{aligned} \quad (27)$$

$$\begin{aligned} & \frac{W_{2,i} - \bar{W}_{2,i}}{\Delta \tau} + W_{2,i}^{(s-1)} \frac{W_{1,i+1} - W_{1,i}}{\Delta h} - \frac{W_{2,i}}{1 - \theta_{3,2}} \frac{\partial \theta_{3,2}}{\partial \tau} = \\ & -Eu \frac{\partial P}{\partial x} + \frac{1}{\text{Re}} \frac{W_{2,i+1} - 2W_{2,i} + W_{2,i-1}}{\Delta h^2} - \frac{1}{\text{Re}_1} \frac{W_{2,i}}{(1 - \theta_{3,2})(1 - \delta_{2,i})^2}; \end{aligned} \quad (28)$$

$$\begin{cases} \frac{y_i - \bar{y}_i}{\Delta \tau} + \frac{W_{1,i} Z_i - W_{2,i-1} Z_{i-1}}{\Delta h} = 0 \\ \frac{Z_i - \bar{Z}_i}{\Delta \tau} + \frac{W_{2,i+1} y_{i+1} - W_{2,i} y_i}{\Delta h} = 0 \end{cases} \quad (29)$$

$$\begin{cases} \frac{\delta_{1,i} - \bar{\delta}_{1,i}}{\Delta \tau} = \lambda_0 (y_i - \gamma_0 \delta_{1,i}) \\ \frac{\delta_{2,i} - \bar{\delta}_{2,i}}{\Delta \tau} = \lambda_0 (Z_i - \gamma_0 \delta_{2,i}) \end{cases} \quad (30)$$

$$\left. \begin{aligned} & \frac{n_{1,i} - \bar{n}_{1,i}}{\Delta \tau} + \gamma \frac{n_{2,i+1} - n_{2,i}}{\Delta h} + \beta \alpha_\tau \left(n_{1,i} - \frac{a_1 N_{1,o}}{a_2 - b N_{1,o}} \right) = \frac{\chi_b \alpha_\tau}{H_o^2} \frac{(n_{1,i+1} - 2n_{1,i} + n_{1,i-1})}{\Delta h^2} \\ & \frac{n_{2,i} - \bar{n}_{2,i}}{\Delta \tau} + \gamma \frac{n_{1,i+1} - n_{1,i}}{\Delta h} + \beta \alpha_\tau \left(n_{2,i} - \frac{a_1 N_{2,o}}{a_2 - b N_{2,o}} \right) = \frac{\chi_b \alpha_\tau}{H_o^2} \frac{(n_{2,i+1} - 2n_{2,i} + n_{2,i-1})}{\Delta h^2} \end{aligned} \right\} \quad (31)$$

$$\left. \begin{aligned} & \frac{P_{1,c,i} - \bar{P}_{1,c,i}}{\Delta \tau} = \frac{P_{1,1} - \bar{P}_{1,1}}{\Delta \tau} + \frac{G_1}{\mu r} \left[\frac{P_{2,c,i+1} - 2P_{2,c,i}}{\Delta h^2} \right] \\ & \frac{P_{2,c,i} - \bar{P}_{2,c,i}}{\Delta \tau} = \frac{P_{1,2} - \bar{P}_{1,2}}{\Delta \tau} + \frac{G_1}{\mu r} \left[\frac{P_{1,c,i+1} - 2P_{1,c,i}}{\Delta h^2} \right] \end{aligned} \right\} \quad (32)$$

$$\left. \begin{aligned} \frac{h_{1,i} - \bar{h}_{1,c}}{\Delta \tau} &= G_1 \frac{P_{1,c,i} - P_{1,c,i-1}}{\Delta h} \\ \frac{h_{2,i} - \bar{h}_{2,c}}{\Delta \tau} &= G_2 \frac{P_{2,c,i} - P_{2,c,i-1}}{\Delta h} \end{aligned} \right\} \quad (33)$$

бунда

$$\theta_{3,1} = \int_0^1 \frac{y_i (1 - \delta_{1,i})}{2 - \delta_{1,i}} dx, \quad \theta_{3,2} = \int_0^1 \frac{Z_i (1 - \delta_{2,i})}{2 - \delta_{2,i}} dx, \quad W_{1,i} = W_{1,i}^{(s)}, W_{2,i} = W_{2,i}^{(s)}.$$

(27)-(28) тенгламалар системасидан куйидагига эга бўламиз.

$$\left. \begin{aligned} a_i W_{1,i+1} - b_i W_{1,i} + c_i W_{1,i-1} - d_i W_{2,i} + e_i W_{2,i-1} &= -f_i \\ a'_i W_{2,i+1} - b'_i W_{1,i} + c'_i W_{1,i-1} - d'_i W_{2,i} + e'_i W_{2,i-1} &= -f'_i \end{aligned} \right\} \quad (34)$$

(34) системанинг ечими куйидаги кўринишда аниқланади

$$\left. \begin{aligned} W_{1,i} &= A_i W_{1,i+1} + B_i W_{2,i+1} + C_i \\ W_{2,i} &= A'_i W_{2,i+1} + B'_i W_{1,i+1} + C'_i \end{aligned} \right\} \quad (35)$$

(35) тизимга киритилган коэффицентлар мос келадиган рекурсив муносабатлардан аниқланади. Такрорлаш жараёни куйидаги шарт бажарилмагунча давом этади:


